

Ҳадис дарслари (202-дарс) Мерос масаласининг ўта муҳимлиги



00:00 / 27.10.2022 3786

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ?????? ??????????
????? ?????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????????????
????????? ?????????? ??? ?????????????? ?????????????????? ??????????
????????? ?????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????: ???
????????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????
????????????????? ?????????????????? ?????????????????? ?????????? ??????????????????
????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«У киши айтадилар:

«Бемор бўлиб, ҳушсиз ётганимда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. Бас, таҳорат қилдилар ҳамда таҳорат сувларидан менга сепдилар ва мен ҳушимга келдим. Сўнгра:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мерос кимга тегади? Мендан фақат «калола»гина мерос олади», дедим. Шунда мерос ояти нозил бўлди».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

«Калола» – бу вафот этган кишининг бола-чақаси ва ота-онаси бўлмай, фақат сингилларининг мерос олишидир.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилинаётган бу ривоятда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг мутавозеликлари ва баракалари ҳақида, ҳатто у кишининг таҳоратларидан қолган сувда ҳам хайр-барака борлиги ҳақида сўз бормоқда.

Бемор ҳолда ётган Жобир розияллоҳу анҳуни кўриш учун келишлари Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам томонларидан лутфу карам ва ўта мутавозелиқдир. У ерда таҳорат қилиб, қолган сувдан беҳуш ётган Жобир розияллоҳу анҳуга сепганлари ҳам шунга далолат қилади.

Ундан сўнг беҳуш ётган Жобир розияллоҳу анҳунинг ҳушларига келишлари эса у зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг баракаларидандир. Ҳушига келиши билан дийннинг қайғусини қилиб, ўлсам, меросимни ким олиши керак, деб сўрашлари Жобир розияллоҳу анҳунинг ўта тақводорликларидан дарак беради.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Катта ва раҳбар кишиларнинг ўзларига қарашли одамлар бемор бўлганда уларни кўргани боришлари фазилатли эканлиги.
2. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг таҳоратларидан қолган сув баракали бўлгани.
3. Мусулмон киши ҳатто ўлганидан кейин ҳам бировнинг ҳаққи поймол бўлмаслиги учун тириклигида ҳаракат қилиши лозимлиги.

4. Мерос масаласининг ўта муҳимлиги.

5. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг саволлари Қуръон ояти нозил этилишига сабаб бўлгани.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди